

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган байрам — фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни муносабати билан бир-бирларини табриклаб, мамлакатларимиз фахрийлари ва биродар халқларига тинчлик, сихат-саломатлик ва фаровонлик тиладилар.

Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш мақсадида чегараолди ҳудудларда яқин ҳамкорлиқни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жабр кўрган туманларда аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва инфратузилмани тиклаш бўйича қилинадиган биринчи навбатдаги ишлар ҳақида келишиб олинди.

Президентлар коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазиятни ҳам кўриб чиқдилар. Пандемияга қарши кураш, аҳоли ва бизнес учун чекловларни

босқичма-босқич юмшатиш борасида мамлакатларимизда кўрилаётган чоралар кўллаб-қувватланди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни тез фурсатларда амалга ошириш, жумладан, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, транспорт ва логистика, бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мулоқот якунида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган кенг қўламли Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

Ў.а.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НУРСУЛТОН НАЗАРБОВЕВ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, эзгу тилаклар билдирдилар.

Жангхоҳларда жонини аямай, фронт ортида фидокорона меҳнат қилиб, Ғалабага эришган ота-боболаримизнинг жасорати ва қаҳрамонлиги биродар халқларимизнинг миннатдор хотирасида мангу қолиши алоҳида қайд этилди.

Мулоқотда чегараолди ҳудудларда Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Аҳолига зарур ёрдам кўрсатиш, инфратузилма ва коммуникацияларни қайта тиклаш борасида биргаликда амалга оширилаётган биринчи навбатдаги тадбирлар кўллаб-қувватланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш

самарали кечаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш ва даволашда ваколатли идораларнинг яқиндан мувофиқлашуви ва ҳамкорлигини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий соҳада кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Пандемиянинг салбий оқибатлари таъсирини камайтириш мақсадида амалий ҳамкорлиқнинг янги лойиҳалари ва йўналишларини ишлаб чиқишда икки мамлакат бош вазирлари раҳбарлигидаги қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг муҳим роль ўйнаши таъкидланди.

Шунингдек, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Ў.а.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

8 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари келаётган байрам — фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларига самимий табрик ва тилаклар билдирдилар. Биродар халқларимизнинг Буюк Ғалабага эришишда бекиёс ҳисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

Сўхбатда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда икки томонлама савдо муносабатлари жадал ривожланаётгани, иқтисодийнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш кооперацияси кенгайиб бораётгани, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги мулоқотлар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳасидаги алмашинлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Эришилган келишувларни амалга

ошириш ва шериклиқнинг янги йўналишларини илгари суриш мақсадида қўшма Ҳукуматлараро комиссия доирасидаги учрашувларни, жумладан, видеоконференциялар шаклида давом эттиришга келишиб олинди.

Президентлар пандемия билан боғлиқ икки мамлакатдаги вазиятни муҳокама қилдилар ҳамда коронавирус тарқалишига қарши курашда алоқадор идораларга яқин мувофиқлашув ва ҳамкорлиқни таъминлаш бўйича топшириқ бердилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама қўшма тадбир ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.а.

Цзян Янь, ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси: ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ — ЭПИДЕМИЯНИ ЕНГИШ УЧУН БОСИБ ЎТИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН ЙЎЛ

Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Унда икки давлат раҳбарлари янги турдаги коронавирус келтириб чиқарадиган пневмония эпидемиясига қарши курашда ҳамкорлиқни давом эттириш, оддий шароитларда икки давлат алоқаларини мустаҳкамлаш, эпидемиядан кўриладиган талафотларни камайтириш, умумий бўлган халқаро ва ҳудудий муаммолар масаласида фикр алмашдилар ҳамда муҳокама қилинган масалалар бўйича муҳим келишувларга келдилар.

Тахлил

Президентларнинг муҳокама жараёнидаги асосий эътибор қаратган масалалари эпидемияга қарши кураш борасида ҳамкорлиқнинг эрта бошланганлиги, ишнинг самарадорлиги, бу икки давлат муносабатларининг янги қирраси эканлиги бўлди.

Маълумки, 17 апрель куни Хитойдан юборилган 15 нафар мутахассисдан иборат гуруҳ Ўзбекистонга етиб келди. Унинг таркибида гигиена бошқаруви, анъанавий ва замонавий тиббиёт, юқумли касалликларни профилактика ва назо-

рат қилиш ҳамда беморларни парваришлаш каби соҳаларнинг нуфузли мутахассислари бор эди. Хитойлик тиббиёт ходимлари янги турдаги коронавирус келтириб чиқарадиган пневмониянинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш борасида тўплаган тажрибаларини катта масъулият билан чоп этилган “Янги турдаги коронавирус келтириб чиқарган пневмония касаллиги ҳақидаги маълумотлар тўплами” ҳамда ўз маърузалари орқали баён қилдилар.



— 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни —

«Юрагимда уруш изи бор...»

Уруш бошланганида у 19 ёшда эди. Ўзи каби минглаб ўзбек баҳодирлари қатори 1-Украина фронтида ҳаво десанти қўшинлари дивизияси сафида жангга кирди. Кўплаб тўқнашуларда қатнашди, қанчадан-қанча фашистларни ер тишлатди, ярадор бўлди. Украина, Беларусь, Кавказ, Крим ерларини, Курск, Днепр, Москва, Волгоград, Марказий ва Жануби-Шарқий Европани озод этишда қатнашди.

Бу Тошкент туманидаги Калас маҳалласида истиқомат қилувчи 98 ёшли Зухриддин ота Исмоловнинг таржimai ҳолидан бир лавҳа.

Отахоннинг хонадонида бўлиб, у киши билан дилдан сўхбатлашарканмиз, гап айланиб, яна уруш йилларига бориб тақалди.

Тафсилотларни видеолавҳада кўринг

— Украина тупроғидаги аёвсиз жангларнинг бирида оёғимдан оғир яраландим, — дея хотирлайди Зухриддин ота. — Ҳаммаёқ чанг-тўзон, қора тутун ичида қолганди. Ёнингдаги қуролдошингнинг сенга қайрилишга ҳам имкони йўқ. Чорасиз ахволда эдим — оёғим тамоман осилиб қолганди. Снаряд тушиб ҳосил бўлган хандакка бир амаллаб етиб олдим. Жароҳатимдан тинимсиз қон оқарди. Ёнимни пайпасласам, ҳеч вақо йўқ, фақат халтамдан темир қошиқ тополдим ҳолос. Устимдаги кўйлагимни йиртиб, оёғимга боғладим, уни маҳкамроқ қисш учун қошиқ билан бурай бошладим. Ва бир амаллаб қонни тўхтатдим. У ёғни эс-лолмайман, хушимни йўқотибман. Бир кеча-кундуздан кейин санитарлар кидириб топишбди...

Зухриддин Исмолов госпиталда даволангач, жанг майдонига қайтади. Бироқ 1944 йили яна яраланади. Бу гал душман ўқи кўкрагига текканди. “Ўша жароҳат туфайли кўкрак қасасида уқ парчаси (осколка) қолиб кетди. Ҳар замонда қаттиқ оғриқ беради. Юрагимда уруш изи бор!” дейди отахон биз билан сўхбатда.

Дарҳақиқат, кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларнинг ўғитлари ёшлар учун ибрат. Зухриддин ота уйига йўқлаб кел-



ганларга ёшлигидаги суратларини кўрсатади. Қуролдош дўстлари ҳақида эслайди, халқимизнинг бағрикенг ва самимийлиги хусусида тўлқинланиб гапиради. Президентимиз раҳнамолигида эришилаётган бемисл ютуқларнинг қадрига етишни ёшларга уқтиради.

— Эл-юрт ардоғида яшаётганимга беҳад шукроналар айтман, — дейди отахон. — Биз кўрган оғир кунларни ҳеч ким кўрмасин. Юртимиз доимо тинч ва

обод бўлсин. Мана шу эзгу ишларга бош бўлаётган, ёш кексага бирдек эътибор кўрсатаётган Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз.

Тошкент вилоятида айни пайтда Зухриддин отадек уруш оловлари ичидан соғомон қайтган Иккинчи жаҳон урушининг 86 нафар қатнашчиси фарзанду набиралари ардоғида, фароғату хотиржамликда ҳаёт кечиришмоқда. Вазифамиз тақозоси билан элимиз эъзозида бўлган собиқ жангчилар хонадон-

ларида бўлиб, сўронли йиллар ҳақида ибратли хотиралар, сермазмун сўхбатларини тингладик. Давлатимиз эътиборида яшаётганидан кўнгли тоғдек кўтарилган отахонлар ҳар бир йил юртимиз учун янада файзу барокали келишини, тинчлик-оқошталигимиз барқарор бўлишини тилаб дуо қилишмоқда.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ШИФОКОРЛАРИМИЗ ТОҶИКИСТОНДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШГА КЎМАКЛАШАДИ

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш, ушбу касалликка чалинган беморларни самарали даволашда катта тажриба ва малакага эга бир гуруҳ шифокор мутахассисларимиз Тожикистон Республикасига йўл олишди.

Ҳамжиҳатлик

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик самараси ўлароқ қўшни мамлакатга йўл олган шифокорларимиз COVID-19нинг олдини олиш, назо-

рат қилиш ва даволашни ташкил этишда тожикистонлик тиббиёт ходимларига яқиндан кўмаклашади.



Нашр

«СЕВГИ БИЛАН ГОЛИБМАН ҲАР ОН!»

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалабанинг 75 йиллик шонли байрами арафасида маърифатпарвар халқимиз учун яна бир муносиб тўхфа тайёрланди. Ватанимиз ва халқимизнинг фидойи фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таникли адиб Шароф Рашидовнинг “Севги билан голибман ҳар он!” номли шеърий китоби нашрдан чиқди.

Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши кўпчилик қатори ёш журналист ва шоир Шароф Рашидовни ҳам ўз гирдобига тортиди. У қонли уруш бошланиши билан биринчилар сафида фронтга отланиб, энг оловли нуқталарда жанг қилди. Фронтда қурбатган мардлиги ва жасорати учун икки бор жанговар “Қизил юлдуз” ордени билан тақдирланди.

У қаттол ёвга қарши бир қўлида қурол, бир қўлида қалам билан курашди, шу йилларда уруш мавзусида ўнлаб ўтли шеърларини яратди.

Шоирнинг жангхоҳлардан туриб ўз суюкли ёрига, оқила ва мунис рафикаси Хурсаной Рашидовага бағишлаб ёзган соф инсоний сеvgи ва садоқат туйғуларини мадҳ этувчи шеърларига ҳам китобдан кенг ўрин берилган.

Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат фонди томонидан нашрга тайёрланган мазкур тўпламдан шоирнинг ўқувчиларга яхши таниш бўлган, қўшиқларга айланиб, қалбларимизга қириб борган шеърлари билан бирга, унинг ижодий архивидан топилган, ҳали эълон қилинмаган ижод намуналари ҳам жой олгани аҳамиятлидир.

Ўз халқининг номини улуғлаб ашаган, эл-юрт манфаати учун жонини фидо этган буюк ва беназир инсон, халқимиз бугун муносиб иззат-ҳурмат билан хотирлаётган ардоқли адибимизнинг янги китоби ўқувчиларни мамнун этади, деган умиддамиз.

Ў.а.

Ўз боғини яратаётган ёшлар

Бу йилги баҳор сурхондарёлик минглаб ёшлар ҳаётида ўзига хос янги даврни бошлаб берди. Гап шундаки, давлатимиз томонидан юраги ўт-оловга, бидаги куч-қувватга тўла ёшларга ер майдонлари ажратиб бериш ташаббуси нафакат асрлар бўйи қақраб ётган майдонларни экинзорларга айлантиришда, балки уларни фойдали меҳнатга жалб этишда ҳам айни муддао бўлди.

Ташаббус

Яъни манзилли режа ва “Йўл харитаси”га кўра, жорий йилда Сурхондарё вилоятида 35 минг 560 дан зиёд ёшлар бандлиги таъминланади. Уларнинг катта қисми — 8 минг 164 нафари аграр тармоқда иш бошлайди.

Ана шундай амалий ҳаракатлар натижасида Шеробод туманининг Гулистон маҳалласи қирларидаги лалми майдонда

ўнлаб кудратли техникалар ёрдамида ер шугорланиб, мева ва манзарали кўчатлар экилиб, “яшил олам” бунёд этилди. Унга “Ёшлар боғи” дея ном берилди. Анор, олма, бодом каби дарахт ниҳоллари ўтказилган 42 гектарлик боғ номига мос. Чунки унда 120 нафар йигит-қиз меҳнат қилади.



ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ВА СЕКТОРЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЁШЛАР МУАММОЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ, АЙНИҚСА, УЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА

ҳар бир ҳудудда ишлаб чиқилган “Манзилли режа” ва “Йўл харитаси” доирасида республика бўйича шу йил май ойига қадар 117 минг нафардан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланди.

Шундан:

- қишлоқ хўжалигида қарийб — **40 минг 70 нафар;**
- тадбиркорлик соҳасида — **17 минг 520 нафардан ортиқ;**
- жамоатчилик ишларида **22 минг 550 нафардан зиёд;**
- кўрғити соҳасида **5 минг нафардан кўп;**
- вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар ва бошқа ташкилотлар тизимларида **16 минг 297 нафар;**
- бошқа соҳа ва йўналишларда **29 минг 800 нафардан ортиқ** ёшлар ишга жойлаштирилди.

Шунингдек:

- **2 минг 61 нафар** ёш турли касбларга қайта ўқитилди.
- Ёшларнинг тадбиркорликка оид **9 минг 157 лойиҳаси** учун тижарат банклари томонидан **357,5 млрд. сўмлик** имтиёзли кредитлар ажратилди.
- “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида **15 минг нафардан** зиёд ёшларга **29,3 минг гектар** ер ажратилди.
- Иқтисодий Ҳимояга муҳтож оилаларнинг **10 минг 223** нафар ишсиз фарзандларини бирлаштирган **266 та** ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Мазкур кооперативларга аъзолик бадаллари учун **28,5 млрд. сўм** субсидия ажратилди.
- Халқ қабулхоналари, ҳудудий секторлар раҳбарлари ёрдамида кооперативлар томонидан қир-адир ва чўп ҳудудларидаги ерларда **1 минг 922 минг гектар** қўриқ очилди.
- Экинзор ҳисобидан чиқарилган **5 минг 368,3 гектар** ер қайта экин майдонларига қўшилиб, янги очилган ва қайта экинзорга айлантирилган ерларни сўғиртиш мақсадида **139 та** қўзқ, қозилди.

Бундан ташқари, **122 та** сув насоси ўрнатилиб, **38 таси** таъмирланди, **20 та** дренаж қўриғи **95 км.** сув насоси йнгидадан тўртилиб **42 км.** хисим таъмирдан чиқарилди, **224 км.** канал ва ариқлар таъмирланди.

Цзян Янь,
ХХРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО ЁРДАМ — ЭПИДЕМИЯНИ ЕНГИШ УЧУН БОСИБ ЎТИЛИШИ ШАРТ БЎЛГАН ЙЎЛ

◀1 Делегация аъзолари маҳаллий ҳамкасблари-ни эпидемияга қарши курашда интеллектуал қўллаб-қувватлаш мақсадида Самар-қанд, Фарғона вилоятларида ил-мий изланишлар ва консульта-циялар ўтказишди, маҳаллий му-тахассислар билан ўзаро касал-лиқнинг олдини олиш, бошқа-риш ҳамда даволаш усулларини муҳокама қилишди. Буларнинг барчаси ўзбекистонлик ҳам-касблари томонидан қизгин кутиб олинди. Жиддий вазият-даги бу ўзаро алоқалар Хитой ва Ўзбекистоннинг кенг қамров-ли стратегик муносабатларининг нечоғли аҳамиятга эга эканини намойиш этди.

Янги турдаги коронавирус келтириб чиқарадиган пневмо-ния, бу — инсоният олдида тур-ган мисли кўрилмаган катта си-нов. Бундай глобал оғир инки-роз шароитида Хитой ва Ўзбе-кистоннинг бирга ҳаракат қили-ши, ўзаро ёрдам бериши инсо-ниятнинг умумий тақдирини яратишга ҳисса қўишининг яна бир ифодасидир. Хитойда эпи-демия билан курашнинг энг муҳим босқичида Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари то-монидан Си Цзиньпин Жаноби Олийларига йўлланган ҳамдард-лик мактуби, шахсан икки мар-та Ўзбекистон раҳбари назора-тида юборилган инсонпарварлик ёрдами, шунингдек, ўзбекистон-ликлар, бизга дўст инсонларнинг бирин-кетин жўнатган моддий ёрдамлари, тайёрлаган видеола-ри орқали Хитойни қўллаб-қув-ватлаб туришганини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шунингдек, Хитой ҳам Ўзбе-кистон эпидемия билан кура-шаётган пайтда ўз вақтида ёрдам қўлини чўзди. Хитой ҳуку-мати Ўзбекистон учун тестлар, ўпкани сунъий вентиляция қилиш аппаратлари, тепловизор,

химоя кийимлари каби тиббиёт асбоб-ускуналари ва шахсий химоя воситаларини юборди. Хитой Фанлар академияси, Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, ХХРнинг Ўзбекистондаги элчио-наси, Цзянсу, Чжэцзян, Аньхой, Хэнань, Синьцзян-уйғур автоном райони, Шанхай, Цзянси каби провинция ва шаҳарларнинг ўндан ортиқ компанияларинг ҳамда хитойликлар Ўзбекистон-нинг турли вилоятлари, вазир-ликларига тест-тизим, ўпкани сунъий вентиляция қилиш аппа-ратлари, юз ниқоблари каби эпидемия билан курашишда қўлланадиган муҳим восита-ларни жўнатиб, моддий қўмак кўрсатди. Шу аснода Хитой Ҳуку-мати эпидемия билан кескин ку-рашда амалий натижага эга чора-тадбирларни қўллаш ҳақида тажрибаларини бўлишиб бордин, ҳар икки томон мутаха-сислари қатор видеоконферен-циялар ўтказишди. Ишчи гуруҳ-нинг ташрифи эса Ўзбекистон билан тиббий соҳадаги доимий мулоқотни таъминлади, бу гуруҳ “муҳим ишлайдиган гуруҳ” ма-қомини олди. Эпидемияга қарши кураш бўйича Хитой ҳам Ўзбе-кистон билан бир хил муноса-батда. Биз тез орада ўзбекис-тонлик дўстларимиз билан қўли қўлга бериб, унинг устидан гала-ба қозонамиз.

Бундай эпидемияга қарши халқ курашида, саботли Хитой ва Ўзбекистон халқи Шарқ халқ-ларига хос ўзаро ёрдам, ҳам-жихатлик, вазиятга тўғри баҳо бериш каби аъло сифатларини намоён қила олди. “Ўзини яққа-лаш” борасидаги қатъий чора-тадбирлар киритилганидан сўнг Ухань шаҳри аҳолиси ҳеч кан-дай эътироз ва шикоятларсиз ўзлари анлаган ҳолда, ҳаракат-ланишдаги эркинликларидан воз кечиб бўлса ҳам икки ой мобай-нида карантин тартибига амал

қилдилар. Бунинг натижасида халқаро ҳамжамият эпидемияга қарши курашда қимматбаҳо вақтини тежади. Худди шундай Ўзбекистон халқи ҳам мамлакат Ҳукумати томонидан эълон қилинган “Ўзини яққалаш” чора-тадбирларига доир қоидаларга сўзсиз риоя қилди, шарт бўлма-ган ҳолларда ташқарига чиқиш-ни чеклади, эпидемиянинг тар-қалишини сезиларли даражада камайтирди. Бу борада мамла-кат худуддаги бошқа давлатлар ичида етакчилик қилди ва наму-на бўла олди.

Шиддат билан кўпаяётган вирус олдида ҳар икки давлат ҳам курашувчан эканлигини кўрсатди. Ғамхўр ўзбекистон-ликлар дарҳол курашнинг би-ринчи қаторларида туриш учун рўйхатдан ўтиб, кўнгилли сифа-тида ишлади, инкирозга қарши фондага ўз ҳиссасини қўшди, аҳолининг ҳаёт хавфсизлигини химоя қилиш ва соғлигини сақ-лаш учун мустаҳкам устун қўйилди, одамларнинг эпи-демия пайтида ҳам одатдагидек кун кечиришини таъминлашга эришилди. Инсон ҳаётига рах-на соладиган вирус қаршисида икки давлатда ҳам қўллаб му-ҳим “хавф-хатарга қараб олга борадиган жангчилар” — тиб-биёт ходимлари гуруҳлари пай-до бўлдилар. Улар Хитойнинг турли провинцияларидаги ёрдамга келди ва кўпроқ азият чеккан худудларга қўмак кўрсатди. Полиция, илмий хо-димлар, кичик туманлар ходим-лари постда хизмат қилишди, Ўзбекистонда ҳам кўпгина ёрдамга шай инсонлар ариза бериб, кўнгилли бўлиб ишла-моқда, Инкирозга қарши ку-рашиш жамғармасига хайрия қилмоқдалар, нафақат бошқа-лар хавфсизлиги ва саломат-лигини сақлаб қолиш учун то-дек асолинч қўлиб турмоқда-

лар, балки аҳолини эпидемия даврида керакли махсулотлар билан ҳам таъминламоқдалар.

Хитойда ҳам, Ўзбекистонда ҳам “бошқаларга қўмак бериш — ўзига қўмак бериш” эканли-гини теран англайдилар. Хитой олдида ҳали ташқарида яна ки-риб келиши мумкин бўлган хавф турганда, шунингдек, икки хавф билан курашиш жараёнида инсонпарварлик юқлари ва тиб-биёт мутахассисларини юбори-ши, видеоконференциялар ўтқа-зиш билан бошқа халқларни қўллаб-қувватлаши, Ўзбекистон тарафи ҳам қатъият билан эпи-демиянинг тарқалишини назоратга олгани, шу аснода Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия каби давлатларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатгани бунинг яққол далилидир.

Муҳтарам Си Цзиньпин Жаноби Олийлари аввал таъкидлагани-дек, “вирус чегара билмайди, эпидемия бизнинг умумий душ-манимиз. Унга қарши барча дав-латлар қўлини-қўлга бериб, қатъ-ият билан назоратга олиш, тўхта-тиш тўрини яратишимиз керак”.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳам, ўз навбатида, “Ҳеч бир дав-лат яққа ҳолда пандемияга қарши самарали кураша олмай-ди. Биз бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойилла-ри асосида иш тутишимиз ло-зим” дея қайд этди.

Афсуски, бутун дунёда пан-демия шароитида вирусни “сиёсийлаштириш”, масулият-ни бошқалар зиммасига юклаш каби ҳоллар ҳам учраб турибди. “Вирус чегара билмайди, эпи-демия миллат танламайди”, “сенда мен бор, менда сен бор-сан” тамойилларига асосланган “Глобал кишлоқ”да ҳамкорлик-да ишлабгина хавф ичидаги хавфни бартараф қилишимиз, инкирозни имкониятга айланти-



ришимиз мумкин, ўзаро ҳамкор-лик ва қўллаб-қувватлашгина пандемияга қарши курашишда босиб ўтишимиз зарур бўлган йўл ва кучли курашимиздир.

Халқлар бирдамлиги, инсон-лар ҳамжихатлиги — ҳар қандай қийинчилик устидан қозонилади-ган ғалабанинг қафолатидир. Айни пайтда Президент Шавкат Мирзиёевнинг оқилона бошқа-руви ва ўзбек халқининг бирга-ликдаги ҳаракатлари туяйли Ўзбекистонда пандемия самара-ли назоратга олинди. Хитой Ўзбекистон билан бирга панде-мияга қарши ҳамкорликдаги ку-рашни кучайтиради, имконият-лари даражасида ёрдамини аямайди, соғлиқни сақлаш ти-зимидаги ҳамкорликни кучайти-ришга ҳаракат қилади, “Соғлом Буюк Ипак йўли”ни куради. Шу билан бирга, Хитой Ўзбекистон билан пандемияни тамомила ту-гатиш ва бу борада икки давлат иштирокини таъминлаш учун пандемия давридан кейинги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқала-рини янада ривожлантиришга ҳамда ҳамкорлиқнинг яхшилан-ган ва янгиланган асосини мустаҳкамлашга тайёр.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

Давлат бюджети маблағларининг тасарруф этилиши доимий назоратда бўлади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан ижро ҳоқимияти органлари фаолияти устидан қатъий парламент назоратини олиб бориш, бунда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, давлат дастурлари бажарилишини таъминлаш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Жараён

Сенат девони таркибида Давлат бюджети, пул-кредит сиёсати ва худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳ-лил қилиш бошқармаси ташкил этилиши бунинг бир тасдиғидир. Ушбу тузилма Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жа-раёнлари устидан худудлар ман-фаатидан келиб чиққан ҳолда на-зорат олиб боради. Бундан таш-қари, Давлат бюджети, пул-кредит сиёсати ва иқтисодиётга оид қонунлари Сенат қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқишга қўмаклашади.

Янги идора ваколатига келаси йил учун Давлат бюджети тўғри-сиёсати қонун ва бюджет лойиҳа-сини худудий манфаатлар нўқтаи назаридан молиявий экспертиза-дан ўтказиш ва хулоса бериш, хо-рижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, қонун ҳужжатларини та-комиллаштириш юзасидан тақ-лифлар ишлаб чиқиш ҳам кира-ди. Сенат раҳбарияти ва сенатор-ларга бюджет, пул-кредит сиёса-ти ҳамда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш маса-ласига доир материалларни ўз вақтида етказиб туриш ҳам

бошқарма зиммасига юклатилган. Шу ўринда айтиш жоизки, Давлат бюджети, пул-кредит сиёсати ва худудларни ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш масалалари-ни таҳлил қилиш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан Андижон ви-лоятида ўтказилган ўрганиш жара-ёнида илк марта иштирок этди. Кўни кеча Олий Мажлис Сенати ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан ўрганиш натижалари яқуни бўйича видеоконференция ўтказилганидан хабарингиз бор. Эндиликда бун-дай тадбирлар ушбу бошқарма фаолиятида мунтазамлик касб этади.

Яқин кунларда Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўлимида Тошкент ва Сирдарё вилоятлари-да жорий йил биринчи чорак бўйи-ча бюджет ижроси юзасидан масъ-улар ҳисоботлари эшитилади. Янги бошқарма ходимлари айни дамда шу худудлардан тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида ҳам фаол қатнаш-моқдалар.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Энергия сарфи қисқартирилади

Нафақат республикаимиз, балки жаҳон миқёсида юзага келган иқтисодий вазият, аввало, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, айниқса, энергетика соҳасидаги харажатларни камайтиришни тақозо этмоқда.

Тежамкорлик

Шу жиҳатдан Президентимиз томонидан 4 май куни ёқилгич энергетика тармоғида самарадор-лиқни ошириш, энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда ақин йилларда энергия сарфини 2-2,5 баробар қисқартириш маса-лалари муҳокама қилинди. Бунда оммабоп кишлоқ ҳўжалиги техни-каси ва юк автомобилларини газга мослашган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Газ ёқилгисини қўллашдан оли-надиган юқори иқтисодий самара-ни барча яхши билади. Бунга шун-чаки ёқилғи қўйиш шохобчасидаги нархларни қиёслаш орқали амин бўлиш мумкин. Дейлик, ёқилғи қўйиш шохобчасида бир кубометр метан ўртача 2500 сўм атрофида турса, унга эквивалент “Аи-92” русумидаги бензиннинг литри 5500 сўмдан. Шунинг ўзида тафо-вўт, фойда кўриниб турибди. Бун-дан ташқари, айнан метан газида ишлайдиган двигателъ оддий куч ускунасига нисбатан 1,3-1,5 марта юқорироқ ресурсга эга бўлади. Қолаверса, газ ёқилгиси экология-га ҳам дەرсли зарар етказмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, маж-лисида жорий йил якунигача 3 та

пропан-бутан аралашмаси ҳамда синтетик ёқилғи (GTL) заводи ишга туширилиши қайд этилди. Натижа-да авиакеросин, дизель, суолти-рилган газ импорти тўлиқ қисқаради.

Йиғилишда биноларни иситиш ва ёритиш харажатларини ка-майтириш масаласи ҳам муҳока-ма қилинди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 40 фо-изи айнан шу мақсадга кетади. Бунда ортиқча харажатлар талай-гина. Бунга йиғилишда келтирил-ган рақамлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, 1 квадрат метр май-донни иситиш учун юртимизда ўртача 400 киловатт-соат, иқлим шароити бизга яқин ривожланган давлатларда эса 170 киловатт-соат энергия сарфланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, кўп қаватли биноларни лойиҳалаш ва қуриш-да энергия тежовчи технология-ларни кенг қўллаш, ижтимоий соҳа объектлари энергия самарадорли-гини оширишга хорижий инвести-цияларни жалб этиш бўйича топ-шириқлар берилди. Бу, албатта, иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилади.

Илҳом ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ШИФОКОРЛАРИМИЗ ТОЖИКИСТОНДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШИШГА КЎМАКЛАШАДИ

◀1 Шу ўринда қайд этиш ке-ракки, дунёда бўлгани каби юртимиз-да ҳам коронавирус ба-лосига қарши жиддий курашилмоқда. Ўз вақти-да амалга оширилган чора-тадбирлар, шифо-корларнинг матонати ва фидокорона меҳнати натижасида инфекция тарқалиши секинлашиб, касалликка чалинганлар-га нисбатан соғайган-ларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Дўст ва яқин қўшни-миз Тожикистон Респу-бликасига йўл олган тиб-биёт ходимлари тарки-бига анестезиолог-реа-

ниматолог, пульмонолог, эпидемиолог, инфекцио-нист, вирусолог, ҳамши-ра каби коронавирусга чалинган беморларни даволашда катта тажри-ба тўплаган малакали тиббиёт ходимлари ҳам бўлишган.

Энг муҳими, айни му-раккаб ва муҳим палла-да шифокорларимизнинг кўмакка отланишгани ўзбек — тожик халқлари-нинг азалий дўстлиги, синовли кунларда бир-бирига елкадош бўлиши каби эзгу қадриятлар-нинг бугун ҳам барда-вомлигидан далолатдир.

«Халқ сўзи».

Ўз боғини яратаётган ёшлар

◀1 “Хушхабарнинг қаноти бор, ташаб-буснинг эса оёғи”, деганлар-дек, Музаброт туманининг Нурли ҳаёт маҳалласида ҳам ана шундай хайрли ишга ки-ришилди. Асрлар бўйи қаров-сиз турган 30 гектар ерни унумдор далага айлантириш мақсадида тумanning Нурли ҳаёт, Янги ҳаёт, Меҳнатобод, Шаффоф маҳаллаларидаги ижтимоий химояга муҳтож оилаларнинг 110 нафар иш-сиз фарзандига деҳқон ҳўжалиги ташкил қилиш учун 24 сотихдан бўлиб берилди.

Шўрчи туманида ҳам “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойи-ҳаси асосида ажратиб бери-лаётган ер майдонлари йи-гит-қизлар учун катта имко-ниятлар эшигини очди, десак, муболага бўлмайди. Ушбу лойиҳа асосида тумандаги Қораариқ маҳалласидаги 25 гектар ер майдони ёшлар-га бириктирилди, кооперация ва кластер ёрдамида ер май-

дони шудгор қилиниб, полиз экини экилди.

— Бир гуруҳ ёшлар қатори менга ҳам берилди, — дейди Фазлиддин Ҳайдаров. — Дастлаб тарвуз, кейин тўқсонбости экин — пиёз экам-ан. Бу билан рўзгорим бут-ланади, фаровон ҳаёт кечи-риш орзуим амалга ошади, албатта.

Ёшлар бандлигини таъмин-лаш борасида вилоятнинг Қумқўрғон туманида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун, аввало, туманда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 46 минг 485 нафар ёш рўйха-ти шакллантирилди.

Жорий йил бошидан буён эса улардан 533 нафарининг бандлиги таъминланди. Бун-дан ташқари, ҳар бир сектор худудидан 50 нафар ёшга 20 сотихдан кооператив ер майдонлари ажратилди. Жами 200 нафар ёш мазкур ер майдонларига экин экиб,

меҳнат қилиш орқали фойда то-пиш имкониятига эга бўлишди.

Ангор туманидаги Илгор маҳалласи худудида фойда-ланилмай, қаровсиз ётган 91,4 гектар ер майдони эса “Grand green gluster tomorga xizmati” масулияти чекланган жамиятига берилган эди. Шундан сўнг худудни сув би-лан таъминлаш учун учта на-сос қўйилиб, 1,2 километр масофага сув қувурлари ётқи-зилди, янги қўриқ майдони-га обиҳаёт келтирилди. Ҳозир-ги кунга қадар, асосан, ёшлар учун 50 дан зиёд иш ўринла-ри яратилди, йил охиригача яна 60 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланади.

Эътиборли томони, камба-ғалликни камайтириш, ижти-моий химояга муҳтож оила-ларни моддий қийинчиликдан қутқариш, ёшларни доимий иш ва барқарор даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида бошланган бундай катта лойиҳа билан аллақа-

чон одамларнинг онгу тафак-кури, дунёқараши ҳам ўзгар-моқда.

Вилоятда ҳозиргача озиқ-овқат ва кишлоқ ҳўжалиги махсулотлари етиштиришга иxtисослаштирилган 14 та кооператив ташкил этилган бўлиб, уларнинг 350 гектар-дан зиёди 700 нафар кам



таъминланган ва ишсиз фўқароларга бириктирилди.

Келгусида яна 56 та қишлоқ ҳўжалиги кооперати-



1,5 минг нафар-дан ортиқ ёшлар учун 450 гектар-га яқин бўш ётган ер майдон-лари ажратиб берилди.

вини ташкил этиш ҳисобига 3 000 нафарга яқин фўқаро-ларнинг, бўш ётган ер май-донларини ажратиб бериш эвазига 3150 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).



АЖДОДЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ — МАНГУ БАРҲАЁТ

■ Сенатор мушоҳадаси

Уруш. Биргина шу сўз замирида қанчадан-қанча азоб-уқубатлар, таърифлаш қийин бўлган кечинмалар, неча-неча синган тақдирлар мужассам. Ҳозирги авлод буни фақат бадиий фильмлар, адабий асарлару ёши улуг инсонларнинг ҳикояларидангина билса-да, қирғинбаротнинг бор даҳшатини кўрмай туриб ҳам (кўришмасин ҳам) уни тасаввур қилиш қийин эмас. Шу боис ақл-заковатли инсон, аввало, юрт тинчлигига беҳисоб шукр қилади. Зеро, барча нёъмат фақат хотиржамлик пайтидагина татийди.

Қаҳрамонлик ва бағрикенглик тимсолига айланишган

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида гап кетса, биз кўпроқ расмий маълумотларга таянамиз. Ваҳоланки, ўша пайтларда қайд этилган рақамларда "тахминан", "ақин", "атрофида" деган сўзлар кўп учрайди. Балки аниқ маълумот қилишга шaroит бўлмагандир, балки қайсибир сабабларга кўра, Ўзбекистоннинг Ғалабага қўшган ҳиссаси қамайтириб кўрсатилгандир, буниси энди бизга қоронғи. Лекин шуниси аниқки, ойни этак билан ёпиб бўлмайди, вақт ҳаммасини жой-жойига қўяди. Шундай бўлди ҳам, йиллар ўтиб, биз ота-боболаримизнинг Ғалабага нақадар улкан улуш қўшишганини билиб турибмиз.

Табиийки, бугун юртимизда уруш қатнашчилари ҳам, меҳнат фронти иштирокчилари ҳам алоҳида эъзозланмоқда, ардоқланмоқда. Бу борада биз, сенаторлар ҳам фаол бўлишга ҳаракат қилаямиз. Мисол учун,

яқинда Олий Мажлис Сенатининг Мудоаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасига Солиҳ ота Абдушукуровдан мувожаат келиб тушди. У уруш бошлангандан бор-йўғи 9 ёшда бўлган. Юртга келган офат унинг ҳам болалигини тортиб олган. Ҳатто, ўсмирлик фаслига қадам қўймай туриб, катталар қатори ишлашга мажбур бўлган. У Бухоро шаҳридаги пойабзал фабрикасида меҳнат қилди. Ўша даврларда вояга етмаганлар ҳам фронт орти юмушларига жалб қилинган бўлиб, уларнинг меҳнат стажини қайд этиш тўғрисида ҳеч ким бош қотирмаган. С. Абдушукуровнинг ҳам фабрикада ишлаганиги шунчаки унинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-сининг орқа тарафига ёзиб қўйилади.

Йиллар ўтди, гувоҳномага битилган маълумотнома ўчиб кетади.

22 сентябрида Бухоро шаҳрида туғилганлиги, шунингдек, пойабзал фабрикасида меҳнат қилгани тасдиқланди. Бобонинг кўп йиллик орузси амалга ошди. Урушдаги ғалаба фақат ҳарбий ҳаракатларга боғлиқ бўлмайди, албатта. Орқада мустаҳкам таянч бўлиши лозим эди. Эркакларнинг аксарияти жанг майдонларига бўлгани боис ўсмирлар ва аёллар халқ ҳўжалиги учун асосий кучга айланади. Минглаб хотин-қизлар ўз хоҳишлари билан завод-фабрикаларга келиб, аввал эркакларга хос деб ҳисобланган касбларни ўлаштиради. Биргина Тошкентда урушининг дастлабки ойларида қорхоналарда минглаб аёллар меҳнат қиларди. Аёлларимизнинг уруш йилларидаги жасорати жуда юқори. Меҳрибон ёри, оқ ювиб, оқ тараган фарзанди, отаси, ака-укаларини уруш-

га жўнатган, кўнгли ярим момоларимиз фронтдан, хаттоки, тилло тақинчоқларини ҳам аямадилар. Уларнинг мана шу ҳиссаси тўғайли бир эмас, бешта бронепоезд тайёрланиб, жанг майдонларига жўнатилган эди. Суронли йилларда меҳнаткаш деҳқонларимиз томонидан давлатга қўллаб тонна ғалла ва гуруч топширилди. Ўзи қорни тўйиб нон емаган хамюртларимиз охириги бўлак нонини ҳам жабрдийдалар билан бўлишди.

Халқимизнинг кенг бағрига ўша пайтларда қиммат сиймаган, дейсиз. Уруш йилларида бир эмас, бир қатор халқларга нисбатан адолат-сизликка йўл қўйилган эди. Яшаган жойларидан мажбуран қўчирилган миллатларнинг катта қисми Ўрта Осиёга жойлаштирилди. Шу ўринда бир воқеани ёдга олиб ўтиш ўринли бўларди. 1994 йилда БМТ билан ҳамкорлик доирасида Исроил давлатига борганимда, каминани мамлакат парламенти — Кнессетда қабул қилишди. Ўша пайтларда Ўзбекистон ички ишлар вазири ўринбосари эдим. 30 — 40 та мамлакат вакили бир катта залда суҳбатлашиб ўтирган пайтимизда, "Ўзбекистондан генерал таширф буюрибди", деган гапни эшитган бир одам ёнимга келди. У ўзини "Исроилдаги Бухоро аҳудийлари жамияти раисиман" дея таништириди. "Мен ўзбек халқига сиз орқали миннатдорлик билдирмоқчиман. Бизнинг бугунги кунларга етишимизга, уруш пайтида омон қолганимизга сизнинг халқингиз сабабиди. Ўзбек халқи ўзи оч қолган, боласига овқат тополмаган пайтида, бир тишлам нонини ҳам биз билан бўлишган. Сизлардан чексиз миннатдоримиз", деди чуқур ҳаяжон билан. Бундай миннатдор қалблар қўллаб топилади. Дарҳақиқат, уруш йилларида халқимиз қаҳрамонлик ва бағрикенглик тимсолига айлانганди, десак, муболага эмас. Шундай экан, кесаларимизни ҳар қанча ардоқласак арзийди.

Қутбидин БУРХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудоаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Кёнигсберг қалъаси халоскори

Бойсун туманининг Дарбанд қишлоғида фарзандлари, неварачеварлари ардоғида умргузаронлик қилаётган Шохимардон ота Хамроевни таниган-билган, ҳамма бирдек ҳурмат қилади, бу табарруқ инсоннинг дуосини олишга ошиқлади. Бу йил муборак 98 ёшини қаршилаган отахон Иккинчи жаҳон урушида юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида қонли жангларда иштирок этган, Ватан олдидаги йигитлик бурчини шарф билан уддалаган.



тақдирланди. Эх-хе, барибир у дамларни эслаш оғир. Уруш даҳшатларини биз кўрдик, бошқа ҳеч ким кўрмасин. Жангларда уч бор яраланиб, Аллоҳнинг инояти билан яна ҳаётга қайтдим...

1945 йилнинг ноябрь ойида катта лейтенант унвони билан урушдан қайтган Ш. Хамроев бир оз мударат савдо-сотик билан шуғулланди. 1949/1950 ўқув йилида ўрта мактабнинг 10-синфини тамомлаб, Бойсун туманидаги Авлод қишлоғида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. 1956 йилда Сталинбод (ҳозирги Душанбе) шаҳридаги Педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тамомлади. 40 йил ўз қишлоғида ўқувчиларга рус тилидан дарс беради.

— Бугунги дориларом кунларни кўриш бахти насиб қилганига, мана шундай тинч ва осойишта мамлакатда саодатли умр кечираётганимга ҳар доим шукрона айтаман, — дейди отахон. — Давлатимизнинг доимий эътиборидамиз. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган Фармонида мувофиқ, биз, уруш фахрийларининг ҳар бирига 10 миллион сўмдан пул мукофоти берилишини эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Барака топилсин. Бизни сийлаганларни Аллоҳ сийласин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, турмушимиз фаровон бўлсин!

Ўн бир нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказган пиру бадавлат отахон бугун фарзандлари, неварачеварлари бағрида кексалик гаштини суриб келмоқда. У ҳар доим ёшларга ҳаёти давомида кўрган-кечирган машаққатлари ҳақида гапириб, бугунги осойишта ва фаровон кунларнинг қадрига етиш, мамлакатимизда яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўқиб, изланиб, юртимиз қорига ярайдиган инсон бўлиб улғайишлари лозимлигини ўқтиради.

Шаҳзод ҒАФҒОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангҳоқлардан омон қайтган боболаримизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш бугун, том маънода, миллий қадриятга айланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Денов тумани кенгаши билан биргаликда уруш қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Тумандаги Номозгоҳ маҳалласида яшовчи Худойберди бобо Мухаммадиев қарийб 100 ёшда. Отахон билан ўша машъум даврларни ёдга олди. Таъкидлашча, у киши 1942 йили Иккинчи жаҳон урушига юборилган. Беларусь, Германия, Болгарияда бўлиб ўтган жангларда жасорат кўрсатган. 1944 йилда Болгария ҳудудидаги қарама-қаршиликда ўнг қўлидан жароҳатланган. Лекин ўзини йўқотмаган. Даволаниб, соғайгач, яна жангга қайтади.

Уйига «қора хат» келган отахон...

...1942 йил. У фронтда фашизмга қарши аёвсиз жанг олиб бораётган дамлр. Не бўладики, Хивага ўлганлиги ҳақида "қора хат" келади. Самандар ёлғиз фарзанд эди. Унинг доғи яқинлари, ота-онаси қаддини бир зумда букиб қўяди. Айниқса, шум хабардан қаттиқ эзилган онаси Ширин ая кўз нуридан ажралиб, оғир бетоб бўлиб қолади.

Аслида "қора хат" нотўғри маълумот тўғайли жўнатиб юборилган эди. Мард ўғлон ҳамон душман қаршисида тик туриб, унга қарши аёвсиз кураш олиб бораётганди.

Ўша совуқ хабардан кейин орадан 6-7 ой ўтади. Самандар Худойберганов тинимсиз уйга мактуб ёзади. Аммо жавоб олмади. Бунинг сабабчиси туман почтачиси бўлиб чиқди. "Қора хат" келган уйга қимдир Самандар номидан хатлар ёзиб, ота-онасининг ярасига туз сепмоқчи", деган фикрда

лигидан қалби қонга тўлган ота-она бошида бу гапларга ишонмайди. Лекин ҳақиқат уларнинг гўё битмас ярасига малҳам бўлади...

Урушда иккинчи марта "дунёга келган" Самандар ота, мана, бир асрлик доводдан ошиб, бу йил 102 ёшини қарши олди.

Самандар ота 1941 йилда урушга сафарбар этилган. Киев, Свердловск, Харьков, Мариуполь, Мелитополь, Воронеж, Житомир, Днепрпетровск ўлкаларидаги қонли жангларда мардонавор иштирок этган. Буюқ Ғалабадан бир оз ўтиб, аниқроғи, 1945 йилнинг июнь ойи ўрта-ларида Ўзбекистонга қайтади.

Афсуски, у келганда онаси, Ширин момо оламдан ўтган эди. Ҳаёт Самандар отани ана шундай оғир синовларга рўбарў қилди. Ота-

хон уларнинг барчасини қатъият ва ирода билан енгиб ўтди. Отахон 1964 — 1970 йилларда Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтида тахсил олган, оила қурган. Турмуш ўртоғи Анабиди ая билан 7 фарзанд тарбиялаб, уларнинг барчаси олий маълумотли бўлишга эришган.

Байрам муносабати билан ҳарбий хизматчилар уруш фахрийси хонадонига бўлишди. Туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари Самандар отани тиббий кўриқдан ўтказишди.

Қисқаса, ҳаётда "икки марта туғилган" Самандар ота бугун юзлаб неварачеварлар, фарзандлар ардоғида Ғалабанинг 75 йиллигини нишонламоқда.

Фирдавс ШОРАПОВ,
Олий Мажлис Қонлиқ палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Темур НАРЗИЕВ.

КАРМАНАЛИК НАСТЯ ОНА

1917 йили Украинанинг Донецк вилояти, Новоселов туманида оддий деҳқон оиласида туғилган Анастасия Алексеева ўзининг келажақдаги ҳаёти Ўзбекистонда давом этиши, унинг бутун борлиги, тақдири шу қутлуг замин билан боғлиқлигини ҳеч ҳам тасаввур қилмаган эди.

У меҳнат фаолиятини 1935 йил ўзи туғилиб ўсган шаҳри Мелитополдаги Болалар уйида тарбиячиликдан бошлади. Ўша вақтдан болаларга меҳр қўйди, мурғак қалбларга чексиз раҳмдиллик кўрсатиш туйғуси бутун қалбини чулғаб олди. Бу туйғу уни бир умр болалар билан қолишига сабаб бўлди. Болаларнинг бошини силаб, уларга аллалар айтиб, қизқарли эрталар қўиб берар, ўқиш-ёзишни ўргатар эди.

...1941 йил. Даҳшатли уруш олови гўё бутун мамлакатлар бўйлаб ёнарди. Портлаётган бомбалар,

отилаётган снарядларнинг қўрқинчли товушлари шаҳар ва қишлоқларда яшаётган қишчиларни, айниқса, болалару гўдақларни гоят қўрқинч ва изтиробга соларди. Ҳар кун, ҳар соатда беғуноқ минглаб аёллар, кексалар, болалар ҳалок бўлмоқда эди... Мусибатни қарангки, Болалар уйидаги ўғил-қизлар ҳаёти катта хавф остида қолди. Уларни асраш мақсадида ҳукумат қарори билан 1941 йилнинг 21 октябрдан мазкур болалар муассасаларини Ўзбекистонга қўчириш бошланди. Анастасия ҳеч ўйламасдан болаларга масъулиқни ўз зиммасига олиб,

уларни кетишга тайёрлади. Шундай қилиб, ўқ ёмғирлари, бомбалар бўронларидан ўтиб, 365 болажон ўз жонидай асраб, бир ой деганда Тошкентга, ундан кейин Ташлим вазирилик тақсироти билан Карманага олиб келди.

Болалар туман деҳқон бозори яқинидаги Носир Бодом чорбоғига жойлаштирилди. Зудлик билан барча шароит яратилиб, болалар иссиқ кийим ва озиқ-овқат билан таъминланди. Ўша вақтда таълим-тарбия ишларида фаол иштирок этиб ишлаётган хамюртмизи Хусния Хамроева Болалар уйига директор, болаларни олиб келган Анастасия Алексеева эса катта тарбиячи этиб тайинланди.

Мамлакатда очарчилик хавф солиб турган бўлса-да, улар тарбияланувчиларга нон, сут, шакар, ёғ топиш учун тинмай қайғуришган.

Гарчи давлат томонидан болаларга бир кунда 470 грамм нон, 56 грамм балик, 15 грамм қанд, 20 грамм шакар берилиши белгиланган бўлса-да, лекин уруш тўғайли бу махсулотлар вақтида ва тўлиқ етказиб берилмаган. Тасаввур қилинг, бир кун нон бўлмаса, шусиз ҳам қийналаётган юзлаб болаларнинг ахволи нима кечади?! Қаҳрамонларимиз туну кун шу каби муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланган. Албатта, меҳр-саховатли халқимиз бепарво қараб турмади. Уруш олови ичида қолиб кетган ҳудудлардан эвакуация қилинганларга бошлана бериб, бир бурда нонини ҳам баҳам кўрди. Олиб келинган етим болаларни ўз фарзандидек бағрига босди, ҳақиқий инсонпарварлик фазилатини намоён этди.

Уруш тугагандан кейин Настя она (Болалар уйидаги тарбияланув-

чилар уни шундай аташарди) Бухоро давлат педагогика институтининг сиртки бўлимига ўқишга кириб, олий маълумотли бўлди. Туман раҳбарлари уни Болалар уйига раҳбар этиб тайинлашди. Турмуш қуриб, фарзандлик ҳам бўлди. 1954 йилда Карманадаги 1-сонли болалар богчасига мудира бўлиб ишга ўтди. Онахон 1996 йилгача ушбу болалар даргоҳида сидқидилдан ишлади, сўнгра пенсияга чиқди. У киши бутун ҳаётини, бор куч-гайратини, билим ва тажрибасини ёш авлоднинг тарбиясига бағишлади.

Дарҳақиқат, долғали замонлар оша бугунги дориларом кунларга етиб келдик. Шундай кунлар учун ҳаётини бағишлаган инсонлар ҳаммаша қалбимизда. Ўтганлар руҳини шод этиш, уларни эслаш ва номини қалбда сақлаш миллатимиз маънавиятининг сарчасимасидир. Бинобарин, Анастасия онадек инсонлар ҳаёти қўнчилик ёшларга ибрат мактаби бўла олади.

Шухрат ҚАЛИЛОВ.
Кармана тумани

Оналар меҳри, матонати ҳақидаги фильм

"Илҳақ" фильми гоёси туғилганига 10 йилдан ошди. Ўзим Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Хонобод қишлоғида, яъни ҳар бир аёл учун садоқат ва матонат тимсоли бўлган Зулфия ая яшаган қишлоқда туғилиб ўсганман. Зулфия Зокирова номидидаги маҳаллада улғайдим ва шу номли мактабда ўқидим. Биринчи устозим — аянинг набира келини. Уларнинг фарзандларидан аянинг матонати ҳақидаги ҳикояларни эшитиб, жуда таъсирланганман. Айтмоқчиманки, бу фильмининг сценарийси болалигимдан шаклланган.



Фильмнинг ишчи номи "Қора хат" эди. Ўтган йили Президентимиз 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида пойтахтимизда бунёд этиладиган Ғалаба боғи марказига Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатиш ҳамда унга "Матонат мадҳияси" деб ном бериш тақдирини илгари сурганидан сўнг, қўлимдаги сценарий асосида фильм яратишга аҳд қилдим ва ақуний номи "Илҳақ" бўлди. "Ўзбекино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан, "Эзгу фильм" киностудияси бошчилигида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб, ушбу фильмини суратга олишга киришдик.

Киносценарий Алиназар Эгамназаровнинг "Беш жангчининг онаси" асарига асосида тайёрланди. Реал воқеаларга таянган ушбу фильмини дастлаб фақат Ўзбекистонда тасвирга туширишни режалаштирган эдик. Бироқ кейинроқ сценарий жанг сахналари билан тўлдирилди ҳамда жамоамиз билан суратга олиш учун Минскка бордик. "Беларусь-фильм" киностудияси ижодкорлари билан биргаликда Минскдаги Киров заводида жанг сахналари кинотасмага ёзилди. Биз фильмда ўша давр колоридини акс эттириш, жанг пайтидаги муҳитни яратишга астойдил ҳаракат қилдик. Бунга қанчалик эриша олдик, энди ҳақиқий бахони томошабин беради.

Фильмда Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова ва унинг кенжа ўғли Юсуф Холматовнинг тақдир асос қилиб олинган. Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, 5 ўғил ва бир қиз фарзанди бир ўзи вояга етказган бу аёл Иккинчи жаҳон уруши вақтида барча ўғил-

лари — Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон ва Юсуфжондан айрилган. Уларнинг барчасига фронтдан "қора хат" келган. Бундай машъум хатлардан охириги Зулфия аяга 1945 йил февралда келган. Ёвуз уруш тўғайли аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолади. Она келинлари билан бутун умри давомида фарзандлари хотирасига мотам тулган.

Зулфия ая роли учун 8 актриса фото ва видеосиновлар топширди. Танлов қийин келди, чунки рақобат катта эди. Ниҳоҳларидея қатъийлик, ички матонат сабаб, бош роль Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилором Каримовага ишониб топширилди.

Фильм қаҳрамонларидан бири Зулфия аянинг кенжа ўғли Юсуф Холматов ўз ёрига урушдан, албатта, қайтишга ваъда беради, бироқ у Ленинград учун кечган жангда 20 ёшида ҳалок бўлади. Ушбу ролни ёш, истеъдодли актёр Бунёд Раҳматуллаев ижро этди.

Мазкур асар нафақат Зулфия аянинг, балки барча оналарнинг жасорати ҳақида, деб ўйлайман. Зулфия ая бундай қўрғиликлардан сўнг ўзини йўқотиб қўймаган, ҳеч нарсадан нолимай, ҳеч қанча умидсизликка тушмай, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунларга ишониб, келинлари, набираларининг ҳаёти ва оруз-умидлари билан яшайди. Келинлари ҳам шахсий ҳаётларини давом эттириш танлови бўлса-да, Зулфия аядан ўрнатилган, Ватан учун ҳалок бўлган турмуш ўртоқларига содиқ қолганлар, бошқа турмуш қурмаганлар.

Мухтасар айтганда, ушбу фильм уруш, ёл-юрт озодлиги, она меҳри, муҳаббат ва жасорат ҳақидадир.

Жаҳонгир АҲМЕДОВ,
режиссёр.

ВИРУСНИНГ АСЛ «ВАКЦИНАСИ»

Бугун кўплаб мамлакатларга етиб борган коронавирус инсоният учун бир синов бўлди. Бунда ҳамжихатлик, бирдамлик вируснинг асл "вакциnasi"дир. "Тождор" вирусдан ҳам киши қалбдаги ваҳима кўпроқ юқумли. Кундан-кунга беморлар сонининг ортиб бораётгани кишини сергаклантиради. Муборак Рамазон ойида, шундай синовли кунларда бир-биримизга қўлдан келганча ёрдам бериш савобдир. Бугун кўплаб саховатпеша инсонларнинг ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бераётгани бунга яққол мисол.

Саховат

Рақамларга назар ташласак, сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда коронавирусга чалинганлар сони **2325** нафарни ташкил этмоқда, **1775** нафари соғайган. Мамлакатимизда эпидемик вазиятнинг тобора барқарорлашаётгани Юртбошимизнинг саяё-ҳаракатлари билан бўлмоқда. Уларнинг халққа мурожаатлари, бирдамликка, инсонийликка чорловлари эса ҳаммани янада руҳлантиряпти.

Давлатимиз раҳбарининг мурожаатларини амалга ошириш мақсадида кўплаб саховатли тadbиркорлар ҳам аҳолига ёрдам қўлини чўзаётди. Кун кеча бизнинг маҳалламизда ҳам ана шундай инсонлар уйма-уй юриб, кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатди.

Зангиота тумани, На-

зарбек ҳудудидаги "Алоқа" МФЙда 2-сектор томонидан озиқ-овқат ярмаркалари ташкил этилди. Шу ҳудудда яшовчи тadbиркор Ахрор Соатов 50 та хонадонга исирик, хлор, никоблар тарқатди, 412 та хонадонни рақамлаб, 4 тасига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди.

Бундан ташқари, Шухрат Икромов, Даврон Хошимов сингари саховатпеша тadbиркорлар аҳолига 100 дона товук гўшти ва 2 млн. сўмлик бошқа хил ёрдам, шунингдек, хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатди.

Бундай савобли амаллар, биргина эътиборнинг ўзи ҳам улуғ айём кунларида киши қалбини қувонтириб, мана шундай кунларда катта куч бағишлайди. Бу синовли дамлар вақтинча, бу давр бизга тежаш, қадрлаш, улуғлаш каби кўп нарсаларни ўргатмоқда.

Аминжон ҚОДИРОВ.



9 май

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ!

**Аждодлар матонати ва жасорати
авлодлар учун намунадир!**



**«Дўстлик» орденли
Навоий кон-металлургия комбинати
меҳнат жамоаси**

мамлакатимиз аҳлини

9 май —

Хотира ва Қадрлаш кун

**шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида
қўлга киритилган Ғалабанинг
75 йиллиги билан самимий
қутлайди!**

**«ОЛМАЛИҚ КМК» АЖ
жамоаси**

барча юртдошларимизни

9 май ~

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

**ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган
Ғалабанинг 75 йиллиги
билан муборакбод этади!**

*Бугунги фаровон кунларимиз учун жонини
фидо қилган юртдошларимизнинг жасорати,
фронт ортида тер тўкиб,
ғалабага муносиб ҳисса қўшган
фахрийларимиз матонати
қалбларда мангу яшайди!*

*Барчангизга мустаҳкам
соғлиқ-саломатлик, узоқ умр,
хонадонларингизга файзу барака,
тинчлик-осойишталик ва
фаровонлик тилайди!*

**Халқ сўзи
Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқонлар 71-232-11-15.



Таҳриратга келган қўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6